
Наврӯз шодиёналари давом этмоқда

Нўмонжон Турдиев раислигидаги Тегирмонбоши маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган фуқароларнинг чеҳрасида, ғайрат-шижоатида Наврӯз қувончлари акс этиб турибди. Бундай қувончли онларни байрамона руҳда нишонлаш эса халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ҳудудда “Ассалом, Наврӯз янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми” шиори остида ташкил этилган Наврӯз байрами тантаналарида Олтиарик тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этдилар ва йиғилганларни байрам билан қутладилар. – Бугун барча маҳалладошларимизнинг юзларида мамнунлик. Албатта, ҳар куни шукроналикда ўтаётган юртдошларимиз байрам шукуҳида. Наврӯзи олам – шарқона янги йил, баҳор нафасини бошлаб келиши, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга хурсандчилик олиб кириши билан ҳам биз учун қадрли байрам ҳисобланади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Турдиев.

2022-03-25 18:32:58